# ПЕРИФРАЗАЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИККИ ТИЛЛИЛИК МАСАЛАСИ

**Р.НОРМУРОДОВ**

*В статье рассматривается своеобразие образования и развития перифраз в условиях двуязычия и многоязычия.*

*This article is considered the originality of education and development periphrases in conditions dual lingual and poly lingual.*

Мустақиллик туфайли мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётни қайта қуриш, демократлаштириш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламдаги барча ҳаракат ва интилишлари юксак натижаларни кўрсата бошлади. Бу бутун жамоатчилик вакилларига асрлар оша қалбида пинҳон сақланиб келаётган орзу-умидлар, қайғу ҳасратларини баралла айтиш имконини туғдирди. Президентимиз таъкидлаганларидек, "Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда…" хизмат қилмоғи лозим [1].

Бинобарин, мустақиллик миллатимизнинг ўзўзини англаш, миллий муносабатлар ва уларни ҳал қилиш, шубҳасиз, шу билан боғлиқ равишда миллий тилимизнинг тақдири, тараққиёти ва келажакдаги истиқбол масалаларини давр кун тартибининг асосий масалалари сифатида майдонга чиқарди. Айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақоминиг берилиши ўзбек тили тараққиётининг муҳим муаммоларини ҳал қилиш масалаларини қўйди. Ана шундай масалалардан бири ўзбек ва ўзга тиллар икки тиллилиги масаласидир. Гап икки тиллилик асосида турли тил оилаларининг ўзаро мослашув табиатига бориб тақалар экан, шу ўринда перифразанинг ҳам икки тил материали асосида пайдо бўлишининг айрим жиҳатларига эътибор қаратмоқлик лозим.

Маълумки, тилда мавжуд бўлган талайгина перифразалар ҳар қандай икки (билингвизм), иккидан ортиқ (полилингвизм) тилларнинг ўзаро бирикуви натижасида шаклланади. Жумладан, перифраза атамасининг ўзи икки тил сўз воситалари, яъни пери – русча (қайта), фраза – французча (ном) асосида ҳосил қилинган. Таъкидлаш жоизки, у ёки бу халқларнинг яқинлиги натижасида бир тилдан иккинчи тилга сўзлар кириб келган. Ўзбек ва тожик халқининг ўзаро яқинлиги, ёнма-ён туриб истиқомат қилганликлари натижасида талайгина сўзлар тожик тилидан ўзбек тили луғат таркибига кириб келган. Уларнинг айримлари ўзбек тилидаги сўзларга синоним, омоним, вариантдошлик вазифасига кўра ишлатилган бўлса, баъзилари антоним сўзлар сифатида ўзбек тили лексикасидан ўрин олди. Шунингдек, ўзбек тили луғат таркибидаги айрим сўзларнинг ўзга тиллардан кириб келган сўзлар билан бирикуви натижасида талайгина перифразалар ҳам ҳосил қилинган.

1. Ўзбек тили луғат таркибида форсча-тожикча ва ўзбекча лексемалар бирикуви натижасида ҳосил қилинган перифразалар.

Масалан, қушларнинг сарвари – тўти, зангори олов – газ, фазо йўлчилари – учувчилар, саҳро кемаси – туя, харобалар султони – бойўғли, хазон фасли – куз, оқ чашма – сут, ўрмон шифокори – қизилиштон, оби ҳаёт посбонлари – сувчилар, дала заҳматкашлари – теримчилар каби перифразалар тожик ва ўзбек тилида мавжуд бўлган сўзлар қўшилмаси асосида шаклланган. Таъкидлаш жоизки, бу каби сўзларнинг ўзаро тенг компонентли қўшилмалар бирикуви натижасида ҳосил бўлишида, биринчидан, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги минг ва ундан ортиқ йиллар давомида анъана тусига айланиб бораётган савдо-сотиқ, борди-келди, олди-берди ҳамда турмуш ва шароитдаги ўзаро яқинликлар кузатилади; иккинчидан, уларнинг бир бутунликдаги маънони англатиш учун ишлатилишида икки тил ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мавжудлиги акс этиб туради; учинчидан, қайси сўз ўрнида қандай ифода воситаси ишлатилган бўлмасин, ҳар иккала тил қонун-қоидаларини ифодалаш нуқтаи назаридан муҳимлик касб этади.

Перифразалар тараққиётида тиллараро муносабатларга муҳим омил сифатида қаралмоғи лозим. Хусусан, форс-тожик ва ўзбек икки тиллилиги ва унинг ўзига хос шаклланиш тамойиллари бу борадаги ўзига хосликни англатувчи омиллардан биридир. Негаки, бу икки халқ ўртасидаги асрлар оша ўзаро борди-келди, олди-берди, савдо-сотиқ борасидаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ сўзлар алмашинуви юз берган. Бу ҳолат бир неча асрнинг маҳсули сифатида эътироф этилади. Қуйида бе-

рилаётган мисолларда айнан шу ҳолат кузатилади: офтоби олам – подшоҳ, зангори кема – пахта териш машинаси, пўлат паҳлавонлар – бульдозерлар, табиат кушандалари – табиатга ёт унсурлар, барака уруғи – чигит каби перифразалар шаклланиш вақти нуқтаи назаридан турли даврларга мансуб, улардаги ҳар икки тилга оид сўз ўзаро тенг муносабатли компонентдир. Таъкидлаш жоизки, перифразанинг ўзга тиллар материали асосида шаклланишида иккидан ортиқ сўзлар қўшилмаси ҳам иштирок этади. Хусусан, оқ чашма соҳибалари – сут соғувчилар, зангори кема суворийлари – пахта териш машинасини бошқарувчилар, сеҳрли бармоқлар соҳиби – экстрасенс, чарм тўп мухлислари – футбол ишқибозлари каби перифрастик қўшилмалар шаклланиш нуқтаи назаридан олдин кўрсатиб ўтилган перифразалардан фарқ қилади.

Ўзбек ва тожик тилидаги сўзлар қўшилмаси асосида шаклланувчи перифразаларни текшириш жараёнида уларнинг қуйидагича ҳосил бўлиши маълум бўлди: тожикча+ўзбекча (т+ў), ўзбекча+тожикча (ў+т) – булар биринчи типдаги перифразалар шаклланишига тааллуқли бўлса, иккинчи типдаги перифразалар ўзбекча+тожикча+тожикча (ў+т+т), тожикча+ўзбекча+ўзбекча (т+ў+ў), тожикча+ўзбекча+тожикча (т+ў+т) тарзида шаклланиши кузатилади. Мазкур ҳолат юқорида келтирилган мисоллар орқали англниши мумкин. Статистик маълумотларга таяниб шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек тили луғат таркибидаги перифразаларнинг тахминан 55%ини тожикча-ўзбекча сўзлар қўшилмаси асосида ҳосил қилинган перифразалар ташкил этар экан.

2. Арабча ва ўзбекча лексемалар бирикувидан ҳосил қилинган перифразалар. Ўзбек тили луғат таркибига араб тилидан ҳам бир қанча сўзлар кириб келган. Масалан, ақл, илм, муҳтарам, мавжудот, маърифат, неъмат, алоқа, билим, тарғибот, меҳр, ҳақиқат каби арабча сўзлар аллақачон ўзбек тили луғат таркибидан жой олган. Бу каби сўзлар бир неча асрлар давомида ўзбек тили луғат таркибидан муқим ўрин эгаллаши натижасида тилимизда мавжуд бўлган айрим сўзлар билан тенг компонентли қўшилмалар ҳосил қилишда узлуксиз давом этиб келди. Бу сўзларнинг ўзбек тили луғат таркибига келиб қўшилиши натижасида бир қанча перифразалар шаклланган бунга ёрқин мисолдир. Жумладан, маърифат душманлари – илмсиз кишилар, муҳаббат қасри – Тожмаҳал, алоқа воситаси – тил, билим булоғи – китоб, илм ўчоғи – мактаб, тансиқ таом – сумалак, тангри каломи – Қуръон, – меҳр булоғи она сути каби перирифразалар шаклланиш нуқтаи назаридан арабча+ўзбекча (а+ў), ўзбекча+арабча (ў+а) тарзида ҳосил қилинган. Муҳими шундаки, уларнинг аксарияти айнан араб тилидан кириб келган сўзларга нисбатан қайта ном ҳосил қилиш асосида кўчирилган. Жумладан, мактаб, китоб, мадраса сўзлари айнан арабча сўзлардир. Демак, айнан араб халқи ҳаёт тарзига хос бўлган нарса-буюм, предметларни ифодаловчи сўзлар қабул қилинганлиги натижасида худди ўша сўзнинг маъносини ифодаловчи перифразалар икки тил материали асосида шаклланган.

3. Рус тили ва у орқали бошқа тиллардан кириб келган ва ўзбекча лексемалар бирикуви натижасида ҳосил қилинган перифразалар. Икки тил материали асосида перифразалар шаклланишида эволюцион тараққиётнинг алоҳида ўрни бор. Негаки, тил ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўзининг ички ва ташқи қонуниятларига биноан аста-секин, йилдан-йилга, асрдан-асрга ўзгариб, бойиб, такомиллашиб боради [3]. Агар ўзбек тилининг ички ва ташқи имкониятлар асосида ўзгаришини ҳисобга олмоқчи бўлсак, албатта, унинг бир неча асрлар мобайнидаги эволюциясини белгилаб олиш мумкин. Чунки ўзбек тили луғат таркибига форс-тожик ва араб тилларидан бир неча асрлар мабайнида турли тил элементлари кириб келгани каби, XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўзбек тили луғат таркибига рус тилидан, у орқали бошқа тиллардан ҳам узлуксиз равишда сўзлар қабул қилина бошланди. Айни пайтда янгидан пайдо бўлган сўзлар ўзбек тилидаги сўзлар билан бирикув натижасида тилимиздаги конкрет нарса-буюм, предметларга хос хусусиятни ифодаловчи воситалар сифатида ўрин ола бошлади. Жумладан, рус тили орқали кириб келган талайгина лексемаларнинг ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган сўзлар билан бирикуви бир қанча перифразаларнинг ҳосил бўлишига замин яратди.

Масалан, ақл гимнастикаси – шахмат, футбол қироли – Пеле, футбол юлдузлари – футбол ўйинининг энг машҳурлари, шахмат қироллари – шахмат ўйинининг етакчилари, жаҳон банкининг юрти – Швейцария, илм паспорти – диплом, ақлли машина – компьютер каби перифразалар таркибини текширмоқчи бўлсак, улар рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кириб келган сўзлар билан ўзбек тили луғат таркибидаги сўзларнинг бирикуви натижасида ҳосил қилинган. Масалан: Мадриднинг «Реал» ҳамда Каталониянинг «Барселона» жамоалари ўртасида ўтказиладиган ҳар бир ўйин дунёнинг турли мамалакатларидан келган футбол юлдузлари иштирокидаги футбол шоусига айланиши шубҳасиздир (Интерфутбол дастуридан). Жаҳон футболининг қироли – Пеле футбол мутахассислари сўровида энг яхши ўйинчилар номини айтиб ўтди («Ўзбекистон футболи» газетасидан) ва ҳоказолар. Юқорида келтириб ўтилган мисолларда футбол юлдузлари – футбол ўйинининг энг етакчи-

лари, жаҳон футболининг сўнмас қироли – Пеле каби перифразалар икки тил материали асосида ҳосил қилинган. Одатда, бу каби перифразаларнинг пайдо бўлишига турлича омиллар сабаб бўлган: а) жамият тараққиётининг таъсири; в) илм-фан ва техника ривожи; с) у ёки бу халқнинг қўшни халқлар билан яқиндан алоқада бўлиши; д) улар билан савдо-сотиқнинг ривожланиши кабилар асосий омиллардир. Айнан шу ҳол перифразанинг ҳам миқдор, ҳам мазмун жиҳатдан бойиб, кенгайиб боришига ижобий таъсир қилади. Хусусан, ўзбек ва тожик халқининг бир-бирига яқинлиги натижасида кўплаб тожикча сўзларнинг кириб келиши ва улар ўзбек тили луғат таркибидаги сўзлар билан қўшилиб перифраза шаклланишини таъминлаганидек, рус тилидан ва у орқали бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ҳам тилимиздаги баъзи бир сўзлар билан бир бутунликдаги перифраза ҳосил қилинишига асос бўла олади.

Маълумки, у ёки бу тилдан қабул қилинган сўзларнинг айримлари таржима асосида, баъзилари тўғридан-тўғри, бир қисми эса калькалаш асосида қабул қилинади ва ҳар қандай икки тилнинг луғат бойлиги сифатида эътироф этилади. Хусусан, нутқимизда ишлатиладиган перифразаларни ҳам айнан юқоридаги фикрга таяниб таҳлил этиб ўтиш мумкин. Ваҳоланки, тилимизда учрайдиган талайгина перифразалар оддий таржима асосида ҳосил қилинган бўлса, айримлари калькалаш асосида қабул қилинганки, бу ўз-ўзидан ўзбек тили луғат таркибининг бойиш манбаи сифатида эътироф этилиши лозим.

Р.Расулов, И.Умировлар тўғри таъкидлаб ўтганларидек, перифразаларни тўлиқ калькалаш йўли билан ўзлаштириш ҳам тил луғат таркибининг бойишига [2] ижобий таъсир этиб туради.

Зеро, нутқимизда қўлланадиган талайгина перифразалар тўлиқ калькалаш асосида қабул қилинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Муҳими шундаки, калькалаш асосида қабул қилинган перифразалар турли тилларда ўз қонунлари асосида ишлатилиб келинади. Масалан, нутқимизда ишлатиладиган оқ олтин – пахта перифразаси рус тилидаги белое золото асосида қабул қилинган, зангори экран - телевизор русча голубой экран ифодаси асосида калькалаб олинган. Шунингдек, черное золото, вечный город, город на Неве, царь зверей, звезда футбола каби рус тилида қўлланиладиган тасвирий ифодалар калькалаш асосида ўзбек тилида қора олтин – нефть, мангу шаҳар – Рим, Нева бўйидаги шаҳар – Санкт-Петербург, ҳайвонлар подшоси – шер, футбол юлдузи – энг таниқли футболчи каби перифразалар ҳосил бўлган. Кўринадики, перифразанинг икки тил материали асосида шаклланиши ҳар қандай тил луғат таркибининг бойиб бориши учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу ҳол ўзбек тили луғат таркибида ҳам ўзининг ижобий самарасини кўрсатиб келмоқда. Умуман олганда, перифраза шаклланишида икки ва ундан ортиқ тилларнинг таъсири кузатилади, шуларни ҳисобга олиб, қуйидаги умумлашмаларга келинди:

– перифраза шаклланишида икки (билингвизм) ёки иккидан ортиқ (полилингвизм) тилларнинг ижтимоий моҳияти аниқлаб олинди, ҳар қандай тилнинг бу жиҳатдан тенглиги назарда тутилиш лозимлиги айтилди, ҳар икки тил ўртасидаги вазифавий тенглик белгиланди;

– перифразанинг ўзга тиллар материали асосида шаклланишида икки халқ контакти (алоқаси) икки тил контактини – икки тиллиликни келтириб чиқариш учун объектив шароит, объектив сабаблар мавжуд бўлиши аниқланди;

– перифразанинг икки тил материали асосида ҳосил бўлишида узоқ тарихий жараёндаги эллар алоқаси, тиллар алоқасини юзага келтирувчи ижтимоий омиллар ҳисобга олинди;

– перифразанинг тиллар бирикуви асосида шаклланишида эволюцион тараққиёт қонуниятларини: а) жамият тараққиёти; в) илм-фан ва техника ривожи; с) тилларнинг ўзаро ривожланиш қонуниятларини тушуниб етиш каби назариялар мазкур тасвирий ҳодисанинг тиллар алоқаси асосида шаклланишидаги муҳим омиллар ҳисобланади. Хулоса шуки, перифразанинг икки ва ундан ортиқ тиллар алоқаси асосида шаклланиши, нафақат тилнинг луғат таркибининг бойиб боришини таъминлайди, балки ҳар бир тилнинг ижтимоий моҳиятини аниқлашга замин ҳам яратади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.– Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.283
2. Расулов Р., Умиров И. Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати.–Т.: Ўқитувчи, 1997.– Б. 53.
3. Хоназаров Қ. Тил ва дил.– Т.: Ўзбекистон, 1991.– Б.3.

*Термиз давлат университети,*
*2009 йил 25 декабрда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)*